



СТАЦИОНАР ШАРОИТИДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА РЕАБИЛИТАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Холикова Наргиза Одилжоновна

*Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий
маркази, Физиотерапия бўлими бошлиғи*

Аннотация: *Мазкур мақолада стационар шароитида ногиронлиги бўлган шахсларга реабилитация жараёнини ташкил этиш тартиби, олиб бориладиган муложалар ва махсус кўрсатмаларга мувофиқ реабилитация чоралари баён қилинади.*

Калит сўзлар: *ногиронлиги бўлган шахс, реабилитация, мультидисциплинар жамоа, стационар, реабилитация қилишининг якка тартибдаги дастури, реабилитация жараёнини ташкил этиш.*

Юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳамма қатори тенг бўлиб яшашлари учун катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш бундан ташқари бу тоифа инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини назарда тутувчи БМТнинг “Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация этилганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5217-сон Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарорига 11-илова сифатида келтирилган “Ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисида Низом” талабларидан келиб чиққан ҳолда, ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, болаларни реабилитация қилиш, тўлақонли ҳаёт тарзини юритишга кўмаклашиш ҳамда имкониятларини ошириш учун уларни замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш, соҳага ахборот коммуникацион технологияларини жорий этиш белгилаб берилган.

Ногиронлиги бўлган шахсларни доимий шифокор назоратида бўлиши яъни стационар шароитларда реабилитация қилишда беморнинг клиник ҳолати барқарор бўлишлиги ва функционал тикланиш (реабилитация потенциали) жараёнлари кўзга ташланганда, турли асоратлар хавфи ва қарши кўрсатмалар бўлмаганда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Стационар шароитида ногиронлиги бўлган шахсларнинг реабилитация муложаларини олиб бориш тартиби тиббий ташкилотнинг тор доирадаги мутахассис шифокорлари, шунингдек, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси (ТИЭК) шифокорлари томонидан тегишли ордер асосида стационарларга юборилади. Стационарларда эса мультидисциплинар жамоа ташкил



этилиб, мазкур жамоа ёрдамида реабилитация имкониятлари аниқланиб, тегишли тестлар ёрдамида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошланғич функционал ҳолати баҳоланади.

Кўрсатиб ўтилган ишларнинг самарали бўлиши учун мултидисциплинар жамоаси томонидан реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури (кейинги ўринларда ЯТРД деб юритилади) ишлаб чиқилади.

ЯТРД ўз ичига ногирон учун реабилитация қилишнинг мақбул чора-тадбирлари комплекси, улар ногирон организмнинг, шунингдек меҳнат фаолиятининг муайян турларини бажариш қобилиятининг бузилган ёки йўқолган функцияларини тиклашга, компенсация қилишга йўналтирилган тиббий, касб бўйича, ижтимоий ва бошқа реабилитация қилиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг айрим турлари, шакллари, муддатлари ва тартибини олади.

ЯТРДни ишлаб чиқиш қўйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- реабилитация-эксперт диагностикасини ўтказиш;
- реабилитация потенциали ва реабилитация прогнозини баҳолаш;
- ногиронга маиший, ижтимоий ва касбий фаолиятни бажаришда бузилган қобилиятни тиклаш ёки уни компенсация қилиш имконини берадиган тадбирларни, техник воситалар ва хизматларни белгилаш.

ЯТРДни ишлаб чиқиш учун мултидисциплинар жамоа таркиби қўйидаги мутахассислардан шакллантирилиши керак:

- тор доирадаги мутахассис (невролог, вертебролог, травматолог-ортопед ва бошқ.);
- реабилитолог;
- эрготерапевт;
- физиотерапевт шифокори;
- ДЖТ шифокори;
- рефлексотерапевт шифокори;
- мануал терапевт шифокори;
- тиббий психолог;
- массаж хамшираси;
- тугалланган ўрта тиббий маълумотга эга ходимлар (махсус тиббий реабилитаци маълумотига эга ходим, физиотерапия ва лфк хамшираси);
- логопед;
- ДЖТ методист-инструктор;
- дефектолог;
- парвариш бўйича махсус тайёрланган ўрта ва кичик тиббий ходим.

Ногиронлиги бўлган шахс стационарга ётқизилгандан сўнг, бемор мултидисциплинар жамоа мутахассислари томонидан кўриқдан ўтказилади ва кўриқ натижаларига кўра, реабилитация ташхиси, реабилитация мақсадлари (вақт бўйича аниқ белгиланган) ва уларга эришиш йўллари шакллантирилади.

Стационар шароитида реабилитация тадбирлари қўйидаги тартибда амалга оширилади:



1. Лаборатория-инструментал текшируви;
2. Функционал тестлаш;
3. Дори терапияси;
4. Даволаш жисмоний тарбия (кинезотерапия);
5. Массаж, мануал терапия;
6. Физиотерапия;
7. Рефлексотерапия;
8. Эрготерапия;
9. Логопед (афазиолог, дефектолог) ;
10. Тиббий психолог.

Стационарда реабилитация чоралари махсус кўрсатмаларга мувофиқ кўйидагича амалга оширилади:

- беморлар жойлашган палаталарда жисмоний машқлар учун физиотерапия, психотерапия, рефлексотерапия, мануал терапия ва логопедия учун мобиль ускуналардан фойдаланиш;
- ихтисослаштирилган бўлимларда (хоналарда) физиотерапия, жисмоний машқлар ва тренажорларда шуғулланиш, массаж хоналари, мануал терапия, адаптация хоналари, рефлексотерапия, логопед ёки дефектолог билан шуғулланиш, тиббий психолог ёки реабилитация бўлимларида (хоналарида) машғулотлар ўтказиш.

Тегишли реабилитация чора тадбирлари ўтказилиб бўлингандан сўнг реабилитация самарадорлиги баҳоланади ҳамда унинг натижаларидан келиб чиққан ҳолда кейинги реабилитация дастури ишлаб чиқилади ва реабилитациянинг кейинги босқичлари бўйича тавсиялар берилади.

Такидлаб ўтилган саъй-ҳаракатлар ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларга зарур шароитлар яратишга хизмат қилади деган фикрдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пономаренко Г.Н. Реабилитация инвалидов: национальное руководство. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018. – 736 с.
2. Абусева Г.Р., Арьков В.В., Батдиева В.А. редактор: Пономаренко Г.Н. Физическая и Реабилитационная медицина. Краткое издание.: национальное руководство. – ГЭОТАР-Медиа, 2022 г.
3. Пономаренко Г.Н., Абусева Г.Р., Ковлен Д.В. Медицинская реабилитация: Руководство к практическим занятиям. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2021 г.